

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

### ОВОЗАЛАР ВА МИШ-МИШЛАР – ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

**Қодирова Лутфия Батировна,**  
Гулистон давлат университети,  
“Тарих” кафедраси доценти

**For citation:** Kodirova Lutfiya. Rumor - as the object of historical research. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 4, pp. 84-93.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-4-9>

*Келиб тушган сана 5 апрель, 2019*  
*Эълон қилинган сана 31 июнь, 2019*

#### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ҳар қандай жамиятда норасмий мулоқот тизимининг ажралмас қисми бўлган овозалар ва миш-мишларнинг тарихий манба сифатидаги аҳамияти архив материаллари асосида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** овозалар, миш-мишлар, тарихий манба, оғзаки тарих, А.Г. Серебренников, ахборот жанги

### СЛУХИ – КАК ОБЪЕКТ ИСТОРИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ

**Кодирова Лутфия Батировна,**  
доцент кафедры “История”  
Гулистанского государственного университета

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе архивных материалов анализируется значение слухов, являющихся неотъемлемым элементом в структуре неформальной коммуникации любого общества, в качестве исторического источника.

**Ключевые слова:** слухи, молва, исторический источник, устная история, А.Г. Серебренников, информационная война

---

## RUMOR - AS THE OBJECT OF HISTORICAL RESEARCH

**Kodirova L.B.**

Associate professor of “History”

Gulistan state University

### ANNOTATION

This article analyzes the importance of rumors, which are an integral element in the structure of informal communication of any society as a historical source, on the basis of archival materials.

**Key words:** rumors, gossip, historical source, oral history, A. G. Serebrennikov, information war

---

Бир шахсдан иккинчисига ахборотни етказиш имконияти одамлар жамоасининг яшаб қолиш шартларидан бири бўлган. Шу сабабдан инсоният тарихининг жуда қадимги вақтларда вужудга келган овозалар ва миш – мишлар тарихий жараённинг таркибий қисмларидан бири саналади. Овозалар, ишончли асосга эга бўлмаган оғзаки миш-мишлар асрлар давомида маълум инсонлар гуруҳи орасида ягона “оммавий ахборот воситаси” бўлиб келган. Бугунги кунга келиб ҳам инсонларнинг табиат ўзгармаган – илгаригидек, инсонлар миш-мишларни тарқатишда давом этмоқда ва баъзан уларга бошқа ахборот воситаларидан кўпроқ ишонч билдирмоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида миш – мишларга қуйидагича таъриф берилган: эл оғзига тушган, тўғри – нотўғрилиги номаълум хабар, гап – сўз [1, 603].

Ҳар қандай жамиятда норасмий мулоқот тизимининг ажралмас қисми бўлган овозалар ва миш-мишларнинг фандаги ўрни ҳақида ягона хулосага келинмаганлига қарамасдан, кўпдан бери тадқиқотчиларни ўзига жалб қилиб келмоқда.

Овозалар ва миш-мишлар жамоатчилик фикрини ўзгартиради, муносабатларга ва хулқ – атворга таъсир кўрсатади. Шу боис, улардан сиёсий ва ҳарбий мақсадларда - ҳарбий юришлар, ҳокимиятни эгаллаш, жамиятни бошқаришда фаол фойдаланилган, бугунги кунда эса тижорат мақсадида кенг қўлланилмоқда. Бу ҳамма жойда учрайдиган ижтимоий психологик феномендир. Шу сабабдан овозалар ва миш-мишлар кўпроқ ижтимоий психология соҳасида ўрганиб келинган

бўлиб, бу ҳодисани тадқиқ этиш анча олдин бошланган ва бу соҳа билан шуғулланган олимлар рўйхати анча салмоқли: Роберт Кнапп [2,12-37], Флойд Олпорт ва Лео Постман [3,247; 4, 501-517], Леон Фестингер [5,291], Шехтер Стэнли, Курт Бэк, Джон Тибо [6,] ва ҳк.

Гарвард университетидан бўлган психолог Г.Олпорт ва унинг ҳамкасби Л.Постман ўзларининг бу соҳадаги илк жиддий тадқиқотлардан бўлган “Миш-мишлар психологияси” асарида овозалар (миш-мишлар) “ишонч ҳақида инсондан инсонга, одатда оғзаки тарзда узатиладиган, ишончли стандарт исботи бўлмаган аниқ (ёки долзарб) мулоҳаза” сифатида талқин қилинган [7]. Шу билан бирга ушбу тадқиқотчилар “миш-мишларнинг асосий қонуни” ни қуйидаги формула орқали ифодалашган:  $R \sim IxA$ , бу ерда R- миш-мишларнинг пайдо бўлиш шиддати, I – хабарнинг муҳимлиги, аҳамиятлилиги, A – ахборотнинг ноаниқлиги. Яъни тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, биринчидан, миш-миш сифатида узатилаётган ахборот мазмуни уни узатаётган учун ҳам, қабул қилаётган учун ҳам муҳим, аҳамиятга молик бўлиши керак. Иккинчидан, узатилаётган ахборот қандайдир даражада ноаниқ бўлиши керак, яъни турли тахмин ва уйдирмалар учун имкон бериши лозим.

Овозалар ва миш-мишлар “моддийлашган” жамоатчилик фикри, содир бўлаётган ҳодисаларга дарҳол билдирилган муносабат бўлиб, ижтимоий ва коммуникатив функцияларини бажаради. Шахслараро коммуникациянинг ўзига хос шакли бўлган овозалар ва миш – мишлар кўплаб тадқиқотчилар томонидан жамоатчилик фикри ва кайфияти, умумий ижтимоий стереотипларнинг акси ва омма фикрини йўналтирувчи омил сифатида талқин қилинган [8,223-237; 9,26-38; 10,12-28; 11,146-159; 12; 13,284; 14].

Миш-мишлар XX асрдан бошлаб оммалаша бошлаган оғзаки тарих (Oral history) [15,16,17,18] нинг оғзаки манбаларидан бири саналади.

Овозалар ва миш-мишлар бир қанча белгилар асосида гуруҳлаштириш мумкин: мазмунига кўра (сиёсий, иқтисодий, экологик ва ҳ.к.), вақтдаги мўлжалига кўра (ўтмишга оид, келажакка оид); келиб чиқиш типига кўра (тасодифий, атайлаб тарқатилган); ҳаққоний вазиятга муносабатига кўра (рационал, фантастик) [19, 159-167].

Шу билан бирга миш-мишларни инсонларнинг қайси ҳиссий эҳтиёжларини қондиришига қараб ҳам уч турга бўлиш мумкин: орзу миш-миш, қўрқитувчи миш-миш, ажратувчи миш-миш [20, 12].

Тарихда овозалар ва миш-мишларга тарихий жараённинг акси сифатида ва бевосита уларга таъсир кўрсатувчи элемент сифатида қара-

лиши мумкин. Тарихий тадқиқотларда ҳам уларга икки хил нуқтаи — назардан ёндашиш мумкин: уларни тарқатган инсонларнинг онгини, дунёқарашини яхшироқ тушуниш имконини берувчи тарихий манба сифатида, инсонлар хулқига таъсир кўсатувчи тарихий-маданий феномен сифатида.

Аmmo одатда овозалар ва миш-мишларни тадқиқ этаётган тарихчилар жиддий қийинчиликларга дуч келишади. Уларнинг энг асосийси шундаки, психологлар ва социологлардан фарқли равишда, тарихчи миш-мишларни бевосита ўргана олмайди ёки тажриба ўтказа олмайди, у овозалар ва миш-мишлар билан тадқиқ этилаётган манбаорқалигина таниша олади.

Овозалар ва миш — мишларни тадқиқ этишнинг яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, объектив равишда улар мавжуд эмас, миш-мишлар соф субъектив ҳодиса. Узатилаётган хабар аниқ бир шахснинг субъектив баҳоси билан миш-мишга айланади.

Ушбу хусусиятларига қарамасдан, овозалар ва миш-мишлар, улар тўғри ёндашув ва таҳлилий - танқидий усуллар асосида тадқиқ этилганда, айрим даврлардаги ижтимоий-сиёсий курашлар тарихи ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда миш-мишлар нафақат уларни яратган ҳамда етказган шахслар ва доираларнинг кайфияти ва қарашларини, балки уларнинг аниқ режалари, ижтимоий-сиёсий дастурларини ҳам аниқлаш имконини беради.

Туркистон ўлкасининг Россия империяси томонидан забт этилиш тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутадиган манбалардан бири - А.Г.Серебренников томонидан тўпланган ва бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган “Туркистон ўлкаси. Уни забт этиш тарихи учун материаллар тўплами” фондида расмий ҳужжатлар билан бир қаторда норасмий характерга эга бўлган ҳужжатлар кўпчиликини ташкил этади. Хусусан, маҳаллий ҳарбий ва маъмурий амалдорлар томонидан юқори инстанцияларга юборилган ҳужжатларнинг кўпчилигини Ўрта Осиёда фаолият юритаётган савдогарлар ва бошқа кишилар томонидан тўпланган овозалар, миш — мишлар ва ҳодисалар баёни ташкил этади [21,207].

Фондда маҳаллий маъмурлар томонидан тўпланган ва расмий шахсларга йўлланган овозалар, миш — мишлар ва ҳодисалар баёнини ўзига хос ахборот майдони сифатида талқин қилиниши мумкин. Чунки хабарлар, маълумотномалар, мактубларда қайд этилган бу миш-мишлар, юқорида таъкидлаганидек, содир бўлган, бироқ расман тасдиқланмаган воқеа, ҳодисаларнинг айрим шахслар ёки омма томонидан оғзаки қайд этилган шаклидир. Кўп ҳолларда ушбу миш — мишлар

рус маъмурияти учун маълумот олишнинг ишонарсиз, аммо ягона канали бўлиб хизмат қилган.

Архив хужжатлари рус ҳукумати вакиллари ўз босқинчилик интилишларини оқлаш учун нафақат сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий, балки овозалар ва миш-мишларга таянишга ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Хусусан. Орнбург генерал – губернатори В.А. Перовский 1839 йилда Хивага юришнинг навбатдаги лойиҳасида ўз таклифини асослаш учун 1825 йилда Орол денгизига Ф.Ф. Берг бошчилигида уюштирилган илмий экспедиция вақтидаёқ Хивада бўлажак ғолибларга топшириш учун шаҳар дарвозаларининг олтин калитлари ясалганлиги ҳақидаги рус асирларининг хабарларини келтиради. Шунингдек, у Хива ва даштларда тарқалган қадимги ривоятга кўра, Амударё сувлари яна Эски Урганчга қадар тоша бошласа, Хива рус қуролидан ҳалок бўлиши башорат қилинганлиги, эндиликда эса Амударё сувлари Кўҳна Урганчга етиб келганлигини маълум қилган [22, 30-38].

Россия ҳукумати вакиллари, айниқса, ўзбек хонликларида содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларни кузатишда элчилар, савдогарлар ва уларнинг иш бошқарувчилари етказиб турган овозалар ва миш-мишларга кўпроқ таянишган.

Маҳаллий маъмурлар хонликларнинг ички аҳволи ва қўшни ҳудудлардаги воқеалар ривожига ҳақида маълумот йиғишда айғоқчилар хизматидан кенг фойдаланган. Урал истеҳкоми бошлиғи в.б. Михайлов Оренбург корпуси штабининг бошлиғига 1853 йил 19 апрелидаги маълумотида Кўқон ва Хивага айғоқчиларни юборишни сўрагани ва уларни ёллаш учун 40 кумуш рубль ўтказилаётганлигини маълум қилганлиги [23, 87] фикримизга далил бўла олади. Шу сабабдан архив хужжатлари орасида Ўрта Осиё хонликларига юборилган айғоқчиларнинг хабарлари асосида ёзилган маълумотлар катта ўрин эгаллайди.

Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман ўзининг “ўта махфий” белгиси қўйилган мактубида 1876 йилда Зарафшон округи бошлиғига Ўрта Осиёга қўшни вилоятлар ҳақида тўғри ва аниқ маълумот тўплашнинг муҳимлиги ва зарурлигини таъкидлар экан, бунинг учун икки ёқлама ўйин олиб бора оладиган абжир, ақлли, воқеаларга танқидий назар билан қарай оладиган савдогарларни топишни (яхшигина ҳақ эвазига) маслаҳат беради. Чунки “қобуллик ёки бухоролик савдогар рус ерларида бўлаётган воқеалар ҳақида (албатта у қадар муҳим бўлмаган) хабар берибгина, мазкур ҳудуд ҳукмдорлари ёки бадгумон ватандошлари ишончига кира олади ва бизнинг ишончли махфий айғоқчимизга айлана олади”, - деб ҳисоблаган генерал-губернатор [24,202-203].

Шу билан бирга рус амалдорлари ўзлари учун зарур маълумотларни олишда Ўрта Осиёлик элчилардан ҳам фойланишган. Кўқон хони томонидан Россияга элчи қилиб юборилган Муҳаммад Халилнинг 1842 йилда князь Горчаковга юборилган ва Ўрта Осиёда содир бўлаётган ҳодисалар баён қилинган мактубида унга юборилган 5200 рубль пул учун миннатдорчилик билдирганига қараганда [25,117], рус амалдорлари собиқ элчидан маълум ҳақ эвазига ахборот олиб туришда фойдаланишган.

1842 йилнинг ноябрида Оренбург генерал – губернатори В.А. Обручев Ҳарбий вазир ва Вице канцлерни Бухоро ва унга қўшни ҳудудлардаги аҳволдан хабардор этиш учун Бухоро ва Хивадан Оренбургдаги савдогарларга жўнатилган шахсий мактублардан кўчирмаларни юбориб турган [25, 111-114; 121-125; 152-153]. Бу каби мисоллар рус маъмурлари маҳаллий аҳолининг шахсий ёзишмаларидан ҳам ахборот манбаи сифатида фойдаланганлигини кўрсатади.

Ушбу ҳужжатларда келтирилган овозалар ва миш-мишлардан иборат хабарлар мазмунини бошқа расмий манбалар, маҳаллий манбалар билан солиштириш орқали, қанчалик ҳақиқатга яқин бўлганлигини аниқлаш мумкин.

Хусусан, Оренбург генерал-губернатори А.П. Безакнинг 1861 йил 10 январида Ҳарбий вазирга мактубида Бухоро амирининг Насруллохоннинг ўлими ҳақида тарқалган қуйидаги миш-мишни хабар қилади: “Насрулло Баҳодир 5-октябрда Самарқанддан қайтиши биланоқ вафот этган. Унинг хотини ҳақиқатдан ҳам ўз акасининг маслаҳатига кўра, унинг дорисига заҳар қўшганлигини тан олган, бунинг учун амир иккала жиноятчи ва ўз табибини қатл қилдирган” [26,44]. Шаҳрисабз беги Искандарнинг синглиси Кенгас ойимнинг Насруллони симоб билан заҳарлагани ҳақидаги ушбу маълумот маҳаллий тарихчилар ва рус тадқиқотчиларининг асарларида ҳам келтирилган [27, 187; 27,517-518].

Аммо расмий амалдорларнинг маълумотномаларида келтирилган миш-мишлар кўп ҳолларда асоссизбўлган, ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги текширилмаган ҳолда юқори инстанцияларга хабар қилинган. Фулжадаги рус консули 1867 йилнинг 20 январида Осиё департаменти йўллаган хабарида 1866 йилнинг кузида Кашмирдан Ёқуббек билан музокаралар учун Қошғарияга тахминан 600 атрофида инглизларнинг келганлиги ҳақидаги миш – мишни хабар қилади ва у инглизларни шахсан кўрмаганлигини билдиради. К.П. Кауфманга илова тарзида юборилган бу хабарга ёзилган изоҳ қизиқиш туғдиради: “Ёркентда нафақат 150, балки 1,5 та инглиз кўринганида ҳам ҳар бир киши уларни кўриш имконига эга бўлар эди. Агар уларнинг кўз рангини бўлмаса ҳам, уларнинг ортидан эргашган оламонни кўрган,

кофирларнинг ортидан ёғилган ҳақорат ва сўкишларда иштирок этган ёки улар тўхтаган бирор уйда кўрган бўлар эди. ...Демак, бу миш – мишлар асоссиз” [29,62].

Катта Ўрда қозоқлари ҳузуридаги рус пристави 1855 йилнинг 23 январида Сибирь корпуси кўмондони Г.Х. Гасфордга 1854 йилнинг охирларида Бухоро хони ҳузурига инглиз элчисининг келганлиги ва унинг ҳудудидан ўз қўшинларини ўтказиб юборишни сўраганлиги, Бухоро хони дастлаб рад жавобини берганлиги, бироқ инглиз элчиси турк султонининг фармонини келтиргач, бунга рухсат берганлиги ҳақида миш-мишлар ҳақида хабар қилган. Ушбу хабар асосида Ҳарбий вазирга юборилган маълумотномада Г.Х. Гасфорд инглизларнинг Жанубий Осиёдаги мулклари Бухородан узоқлиги туфайли ушбу миш – мишнинг асоссиз эканлигини тан олса-да, Бухоро хони ва афғон ҳукмдорларининг розилиги билан инглизлар турк султонининг иттифоқчиси сифатида, мусулмонлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни рўқач қилиб, Қўқон хонига ўзларининг ёки туркларнинг инструкторларини юбориши ва шу билан таълим олмаган ва ташкиллаштирилмаган Қўқон қўшинининг ҳаракатини кучайтиришидан ва йўналтиришидан хавотирини баён қилган [30,44].

Архив ҳужжатлари бу миш-мишларнинг у қадар ҳам асоссиз бўлмаганлигини кўрсатади. Г.Х. Гасфорднинг 1855 йилнинг 6 июнида Ҳарбий вазирга юборган хабарига қараганда, қозоқлар Қўқон отрядида чет элликларни ва турк султони томонидан юборилган бошлиқни кўришган ва Қўқон қўшинида илгари уларда бўлмаган тўғри тартибни пайқашган [30, 91].

Рус ҳарбий амалдорлари миш-мишлар тарқатиш йўли билан ўзларининг Ўрта Осиёдаги бўлғуси ҳаракатлари борасида чалғитувчи ахборотни ёйишга ҳаракат қилишган. Жумладан, 1851 йилнинг 9 февралда Сибирь корпуси штабининг бошлиғи Яковлев рус қўшинларининг ҳаракатга келтирилганлиги хавотир уйғотмаслиги учун, Или ортига экспедиция кузда амалга оширилиши хусусида миш-мишларни ҳатто Копалдаги амалдорлар ва хизматчилар орасида ҳам тарқатишни сўраб, мутлақо махфий грифи остида Катта Ўрда қозоқлари ҳузуридаги приставга мактуб юборган [31,8].

Ҳужжатларда рус ҳукумати вакиллари Россия ва Англия ўртасидаги геосийосий курашда миш–мишлардан ахборот жанги воситаси фойдаланганлиги ўз аксини топган. Хусусан, инглизларнинг Бухородаги фитналарига тўсқинлик қилиш ва умуман уларнинг мунофиқона сиёсатини сусайтириш учун, осийликлар ўртасида уларнинг султонга ҳомийлиги Туркия учун оғир, маккор ва ўз фойдасини кўзловчи сиёсат экан-

лиги ва Ҳиндистон ва Панжобдаги адолатсиз босқинчиликлар ҳақида тегишли тушунчаларни тарқатиш масалаҳат берилган [30,45].

Ўз навбатида инглиз ва турк жосуслари ҳам Ўрта Осиё халқларига таъсир кўрсатишда овозаларни тарқатиш усулидан фойдаланишган. Бу ўринда Россиянинг Қўқон билан хонлик томонидан босиб олинган қозоқ ерлари учун кураши ушбу миш-мишларга асос бўлган. Жосуслар томонидан турли йўллар билан қозоқ қабилалари ўртасида султон томонидан Россия билан курашиш учун Ўрта Осиёга кўп сонли қўшин юборилаётганлиги, султоннинг Бухоро ва Қўқон ўртасида иттифоқ тузиб, русларга қарши Қизилёргақадар уруш қилишга чақирғи ҳақида миш – мишларни зўр бериб тарқатишган [30,45].

Ўз навбатида маҳаллий уламолар ва турк султони вакиллари ҳам халқни истилочиларга қарши курашга кўтаришда миш-мишларни тарқатиш усулидан фойдаланишган. Хусусан, В.А. Перовскийнинг Петербургга юборган хабарида қуйидагилар маълум қилинган: “Халқда диний мутаассибликни уйғотиш учун қўқонлик муллалар вошқа воситалар қаторида халқ ўртасида Константинополдаги София масжидида Муҳаммаднинг куёви Алининг қиличи сақланиши, барча чин этиқодчиларнинг кофирларга қарши исён кўтариш вақти келганида ушбу қиличнинг ўз қинидан чиқиши қадимги мусулмон ривоятидан фойдаланишган. Мутаассиблар эндиликда ушбу мўъжиза содир бўлди, дея тарғиб қилмоқдалар, худо иродасининг бу яққол белгисига итоат қилмаган барчани лаънатламоқдалар”. Худди шу ғояни турк элчилари Бухорода тарқатишга ҳаракат қилган [30, 298].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, айрим тарихчиларнинг овозалар ва миш-мишларга бўлган танқидий фикрларига қарамасдан, улардан фойдаланмасдан туриб, алоҳида тарихий ҳодисалар ва жараёнларни тушунтириб бўлмайди. Миш-мишларнинг катта қисми умуман асоссиз бўлишини тан олган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, улар маълум бир вазият туфайли вужудга келади, жамоатчилик онгида у ёки бу кайфиятнинг тарқалишини қайд этади ва аксинча, жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Миш-мишлар тубига яширинган ҳақиқатга етиб бориб, ёзма манбаларда сақланиб қолмаган, уларда бузиб кўрсатилган ва ёки бошқача талқин қилинган кўплаб тарихий ҳақиқатларни тиклаш мумкин.

## **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. — Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.



2. Knapp R.M. A psychology of rumor // *Public Opinion Quarterly*. 1944. V. 8. – P. 12-37.
3. Allport, G. W. and Postman, L. *The psychology of rumor*. – New York: Henry Holt, 1947. – 247p.
4. Allport G.W. Postmann L. An Analysis of Rumor // *Public Opinion Quarterly*. 1947 № 10. – P. 501-517
5. Festinger L. A. *Theory of Cognitive Dissonance*. – Stanford University Press, 1962. – P.291 .
6. Festinger L., Back K., Schachter S., Kelley H., Thibaut J. *Theory and experiment in social communication*. - University of Michigan, 1950. – 123 p.
7. Allport, G. W. and Postman, L. *The psychology of rumor*. – New York: Henry Holt, 1947.
8. Fine G.A. Rumors and gossiping. // *Handbook of Discourse Analysis*. Vol. 3. *Discourse and Dialogue*. – Orlando: Academic press, 1985. – P. 223-237;
9. Rosnow R.L. On Rumor // *Journal of Communication*. 1974. № 24. – P. 26-38.
10. Rosnow R.L. Rumor as Communication: A Contextualized Approach // *Journal of Communication*. Vol. 38 (1). 1988. - P. 12-28.
11. Кабанов В.В. Слухи как исторический источник. // *Труды Московского государственного историко-архивного института*, Т. 33. – М., 1996. – С. 146-159.
12. Bordia P., DiFonzo N. *Rumor, Gossip and Urban Legends*. – 2002.
13. Kapferer J.N. *Rumors: Uses, Interpretation, Images*. – New Brunswick (U.S.A.), - London (U.K.) Transaction, 2013. – 284 p.
14. Fine G. A., Campion-Vincent V, Heath Ch. (ed.). *Rumor mills: the social impact of rumor and legend*. – New York, 2004;
15. Nevins A. *Grover Cleveland: A study in Courage*. – NY: Dodd, Mead & Company, 1932.
16. Томпсон П. *Голос прошлого. Устная история* / Пер. с англ. – М.: Весь мир, 2003.
17. Щеглова Т. К. *Устная история: учебное пособие*. – Барнаул: АлтГПА, 2011.
18. Орлов И.Б. *Устная история // Теория и методология истории: учебник для вузов / Под ред. В.В. Алексеева, Н.Н. Крадина, А.В. Коро- таева, Л.Е. Гринина*. Волгоград: – Учитель, 2014.
19. Peterson W A . Gist N. P. Rumor and Public Opinion // *American Journal of Sociology*. 1951. № 57. – P. 159- 167
20. Латынов В.В. *Слухи: социальные функции и условия появления* // *Социологические исследования*. 1995. № 1.
21. ЎзР МДА, И-715, 22 –иш.

22. ЎзР МДА, И-715, 1–иш.
23. ЎзР МДА, И-715, 14–иш.
24. ЎзР МДА, И-715, 69–иш.
25. ЎзР МДА, И-715, 4–иш.
26. ЎзР МДА, И-715, 25–иш.
27. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар.//Асарлар. 1- жилд. – Т., 1963.
28. Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся Туркестанского края. - Санкт-Петербург: Тип. и хромолит. А. Траншеля, 1876.
29. ЎзР МДА, И-715, 36 – иш.
30. ЎзР МДА, И-715, 16 – иш.
31. ЎзР МДА, И-715, 12 – иш.